Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 198 (9188). 19 октябрь, 1983 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

ДАЪВАТКОР, ИЛҲОМБАХШ

СОВЕТ КИШИЛАРИ ҳозирги кунларда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллигини тантанали нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Саноат корхоналарининг коллективлари, қурилиш ташкилотларининг бунёдкорлари, колхозчи ва совхозларининг ишчилари, илмий муассасаларнинг ижодкорлари шу кеча-кундузда ўзгача ғайрат, ўзгача шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Ана шундай бир вазиятда КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 66 йиллигига Чақириқлари эълон қилинди.

— Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллиги!

— Инсоният тарихида янги давр — социализм ва коммунизм тантанаси даврини очган Улуғ Октябрга шон-шарафлар!

Тарихий саналарни, шонли байрамларни муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш ҳалқимиз ҳаётидаги ажойиб анъанадир. Пландан ортиқча етказиб берилаётган маҳсулотлар, бирин-кетин фойдаланишга топширилаётган қурилиш объектлари, ҳар кунн қўлга киритилаётган ғалаба рапортлари, жиддий ечимларни қамраб олаётган лойиҳа ва тадқиқотлар мажмуаси тимсолида ана шундай меҳнат кўтаринкилигини, ватанпарварлик ташаббусларини кўриш мумкин. Барча совет кишилари қатори партия XXVI съезди қарорларини, ўн биринчи беш йиллик режаларини оғишмай амалга ошираётган пойтахт областимиз меҳнат аҳли ҳам Улуғ Октябрнинг 66 йиллигига арзигулик армуғонлар ҳозирламоқдалар, шу тариқа байрамолди социалистик мусобақасини тобора кенг қулоч ёйдирмоқдалар.

— Коммунистлар! Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь ва июнь Пленумлари тарихий қарорларини бажариш учун умумхалқ курашнинг олдинги сафида бўлингиз!

Коммунистик партиямизнинг даъваткор Чақириқлари областимиздаги ҳар бир меҳнат кишисини ўз соҳасида янги-янги ютуқлар сари руҳлантирмоқда. Тошкент машинасозлари, Олмалиқ кончилари, Чирчиқ кимёгарлари, Бекобод металлургларн, областимиз қурувчиларининг ойлик, квартал планларини муддатидан илгари ошириб адо этаётганликлари, социалистик мажбуриятлар ҳисобига маҳсулотлар реализация қилинаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Партиямиз XXVI съезди белгилаб берган марраларга тезроқ эришмоқ учун улар янада активроқ, янада сабот билан ишламоқдалар.

Коммунизм бинокори, тинчлик учун матонатли ва изчил курашчи — улуғ совет халқига мурожаат қилар экан, КПСС Марказий Комитети барча меҳнаткашларни мамлакатимиз қудрати ва фаровонлигининг негизи бўлган социалистик экономиканн янада юксалтиришга, юксак меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқарнш самарадорлигига эришишга, ишлаб чиқаришдаги ички резервлардан тўлароқ фойдаланишга, механизация тараққиётини жадаллаштиришга, янги техника ва прогрессив технологияни кенгроқ жорий қилишга, халқ кенг истеъмол товарларини кўпроқ етказиб беришга даъват этади.

— Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Социалистик меҳнат нитизомини ҳар томонлама мустаҳкамлангиз! Иш вақтининг ҳар онр дақиқасидан тўла самара билан фойдаланингиз!

Комплекс вазифаларни ҳал қилаётган агросаноат ходимлари ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлашни тезлаштиришга, мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан кўпроқ таъминлашга, Озиқ-овқат программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқдалар.

Донгдор пахтакорларимиз бу йил мураккаб шароитларда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Шу кунларда улар ташвишли, ҳаяжонли, масъулиятли, ғоят жиддий дақиқаларни бошларидан кечирмоқдалар. Чунки улар яқин кунларда йиллик пахта тайёрлаш планнини адо этишга азму-қарор қилганлар. Бу, албатта, осон иш эмас. Бунинг уддасидан чиқиш учун жойларда ишни республика партия ва ҳукумати Мурожаати асосида амалга ошириш чоралари кўрилмоқда. Меҳнатга лаёқатли колхозчилар, совхоз ишчилари, шаҳар ва районларнинг меҳнаткашлари «оқ олтин» теримида яна ҳам актив иштирок этишга бел боғламоқдалар. Пахта териш машиналари, механик подборшчиклар, кўрак чувиш ва кўрак териш агрегатларининг икки сменада унумли ишлашини таъмин этиш, пахта нобудгарчилигига йўл қўймаслик ишлари тобора қизғин тус олмоқда. Областдаги ҳар бир кишн шу кунларда пахта ташвишн билан яшамоқда.

Чақириқлардаги қуйидаги сўзлар уларнинг қалбида фахрланиш туйғуларини жўш урдирмоқда:

— Колхозчилар, совхоз ходимлари! Деҳончиликнинг илмий асосланган системасини активроқ жорий қилингиз! Дон, техника экинлари ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни кўпайтирингиз!

Ердан, техникадан, ўғитлардан, меҳнат ва молия ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланингиз!

Келгуси йил ҳосилига эътибор ва ғамхўрлик қилайлик!

Октябрь Чақириқларида партиямизнинг ленинчи Марказий Комитети транспорт, алоқа, савдо, умумий овқатланиш, маиший ва коммунал хизмат ходимлари, олимлар, ихтирочилар ва рационализаторлар, адабиёт ва санъат арбоблари, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, ёшлар ташкилотлари ва бошқа кўпгина соҳаларнинг намоёндаларини ҳам ўзлари фаолият кўрсатаётган ҳамма жабҳаларда янги-янги зафарлар қучишга чорлайди.

Бунёдкорлик режаларини фақат тинчлик шароитларидагина муваффақиятли амалга ошириш мумкинлигини совет кишилари жуда яхши биладилар. КПСС XXV съездида ишлаб чиқилган совет Тинчлик программаси бутун жаҳонда тантана қилмоқда. Зотан, бу программа Ер курасидаги барча халқларнинг манфаатларига мос ва монанд бўлиб тушмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов айтганидек: «Совет давлати ўзи яшаб келаётган олтмиш беш йил мобайнида кўпгина синовлардан, шу жумладан, қаттиқ синовлардан ўтди. Давлатимизнинг бутунлигига, унинг мустақиллигига, бизнинг тузумимизга тажовуз қилганлар тарих ахлатхонасига тушиб қолди.

...Бизнинг йўлимиз аввалгидек тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга, кескинликни юмшатишга, қуролланиш пойгасини жиловлашга, давлатлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга қаратилган. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун совет халқининг ўзгармас ҳоҳиш-иродаси мана шундай».

Шу боисдан ҳам КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларида социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари бирлиги ва жипслиги улуғланади, социалистик интернационализм байроғини баланд кўтараётган қардош халқларга қизғин коммунистик саломлар йўлланади.

Жонажон Коммунистик партиямиз, унинг жанговар Марказий Комитети атрофига метиндек жипслашган совет халқи партиямиз ички ва ташқи сиёсатнни қизғин қўллаб-қувватламоқда, коммунизм йўлидан шаҳдам қадамлар билан олға бормоқда. Бизнинг социал тузумимиз, марксча-ленинча идеологиямиз, совет турмуш тарзимиз, хуллас, бутун воқелигимиз келажакка чуқур ишонч туғдирмоқда, барча кишиларга битмас-туганмас ғайрат, бирдамлик ва умидворлик бахшида этмоқда. Шунинг учун ҳам совет кишилари партиямиз чақирнғини якдиллик билан, зўр ифтихор билан такрорламоқдалар.

— Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Соцналистик Республикалари Иттифоқи!

— Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида — коммунизм ғалабасн сари, олға!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ВА МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ОШИРИШ УЧУН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЗДИРИНГИЗ! 1983 ЙИЛ ПЛАНИНИ, XI БЕШЙИЛЛИК ТОПШИРИҚЛАРИНИ БАРЧА КЎРСАТКИЧЛАР БЎЙИЧА БАЖАРАЙЛИК!

(КПСС Марказий Комитетининг октябрь Чақириқларидан).



Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг Эркин Очилов бошлиқ ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси аъзолари пахта йиғим-теримида яхшн натижаларга эришишмоқда. Суратда: бир группа бригада аъзолари.

Е. Ботиров фотоси.

ГЕКТАРИДАН 65 ЦЕНТНЕР ПАХТА

БЕКОБОД районидаги Ленин номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съезди делегати Адолат Рўзматова бошлиқ бригада далаларига пахта териш машиналари мавсум бошидан буён иккинчи марта чиқарилди. Механик-ҳайдовчилар биринчи теримда бўлганидек, ҳозир ҳам мўл пахта ҳосилини йиғиштириб олмоқдалар.

Донгдор пахтакор бошлиқ бригада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республика барча меҳнаткашларига Мурожаатига амалий иш билан жавоб қайтармоқда. Бригада ҳар гектар ердан 65 центнер «оқ олтин» йиғиштириб олишни мўлжалламоқда.

(ЎзТАГ).

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА



ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 18 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада, бешинчи устун—мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида)

Бўка	1,84	88,36	2,08	83,36
Коммунистик	2,01	84,60	2,06	83,06
Оққўрғон	1,72	76,38	2,08	67,91
Пискент	1,56	75,08	0,85	55,68
Ўрта Чирчиқ	1,75	74,12	1,40	70,26
Бекобод	1,55	73,26	1,82	45,93
Ғалаба	1,56	68,26	0,97	58,73
Чиноз	1,65	67,70	1,66	43,44
Янгиўл	1,42	60,91	0,86	28,80
Область бўйича	1,68	74,97	1,57	61,65

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

ИККИ РАПОРТ

● **БЎКА.** «Ленинобод» колхозининг КПСС XXVI съезди делегати, Ленин ордени нишондори Инобат Ҳожибекова бошлиқ бригадаси аъзолари мавжуд 60 гектар ердан пландаги 35,5 центнер ўрнига 38 центнердан ҳосил олиб, йиллиқ планни бажаришди. Давлатга 228 тонна «оқ олтин» армуғон этилди. Республикамиз партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларга Мурожаатидан руҳланган коллектив аъзолари йиғим-теримни сусайтирмасликка ҳаракат қилишаяпти. Улар об-ҳавонинг қулай кунларидан фойдаланиб, гектар бошига ҳосилдорликни 55 центнерданга етказиш учун курашмоқдалар.

Шу колхознинг Шодмон Ҳусанов бошлиқ бригадаси пахтакорлари ҳам бу йил мўл ҳосил етиштиришди. Кеча улар 80 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35,6 центнердан ҳосил олиб, йиллиқ планни бажарганликлари ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекишди. Қабул пунктларига 285 тонна хом ашё етказиб берилди. Бригада деҳқонлари «оқ олтин»нинг сўнгги мисқолигача қолдирмай йиғиштириб олиб, ҳосилдорликни 50 центнерданга етказишга аҳд қилишди.

ЯНГИ ДОВОННИ КЎЗЛАБ

● **ПИСКЕНТ.** «Пискент» совхозининг 6-бўлими миришкорлари бу йил 520 гектар ерга барака уруғи қадашган эди. Йил бўйи бўлим ишчилари ҳар бир ниҳолни қалб қўри билан парваришлаб, далаларда мўл ҳосил етиштиришга эришишди. Ўтган куни бўлимда планда кўзда тутилган 1665 тонна ўрнига 1683,4 тонналик «оқ олтин» хирмони уйиб қўйилди. Гектар бошига олинган ҳосилдорлик 33,6 центнерданга тўғри келди. Пахтанинг 85 процентн машиналар ёрдамида териб олинди. Айни кунларда ҳам 5—6 тоннадан пахта тераётган илғор механик-ҳайдовчилар Ҳайдар Қораев, Карим Шоимов ва Баҳром Қурбоналиевларнинг «зангори кема» бункеридан тўккан «оқ олтин»лари 140—160 тоннадан ошди.

Ортиққул Шеронов етакчилик қилаётган мазкур бўлим пахтакорлари ҳосилдорликни 39 центнерданга етказамиз, деб тинмай меҳнат қилишаяпти.

КОМСОМОЛ-ЁШЛАР — ПЕШҚАДАМ

● **КОММУНИСТИК.** Районда областимизнинг турли ерларида ташкил этилган 18 комсомол-ёшлар зарбдор отрядлари пахта йиғим-теримида қатнашаяпти. Сафларида 600 кишини бирлаштирган бу отряд аъзолари куни кеча хирмонга 32,6 тонна пахта тўкишди. Уларнинг мавсум бошидан буён уйган хирмонлари 515 тоннадан ошди. Комсомол-ёшлар ўртасида ўтказилаётган ўзаро социалистик мусобақада область физиотерапия касалхонаси ҳашарчи ёшлар бригадаси пешқадамлик қилаяпти. Ҳамид Аҳмаджонов бошлиқ бу бригадага 30 киши бирлашган. Уларнинг ҳар бири кунига 90—95 килограммдан «оқ олтин» йиғиштириб олишмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқлари, республика партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларга Мурожаатидан руҳланган барча отрядлар аъзолари мавсумда яна 200 тонна пахта теришга сўз беришди.

ХАЙРИДДИННИНГ МАЖБУРИЯТИ

● **ЎРТА ЧИРЧИҚ.** «Ленин йўли» колхозининг илғор механик-ҳайдовчиси Хайриддин Нишонов ҳар йили ерга чигит қадашдан тортиб, ҳосил йиғим-терими тугагунча тинмай меҳнат қилади. У мавсумда 160 тонна пахта теришга сўз берган эди. Лекин «пўлат от» суворийси шу кунгача «зангори кема» бункеридан 168,2 тонна «оқ олтин» тўкиб, шахсий мажбуриятини ортиғи билан уддалаган бўлсада, теримни сусайтирмай, ҳозир ҳам кунига 2,5—3 тоннадан пахта термоқда. У яна 20 тонна ҳосил йиғиштириб олишга аҳд қилган.

ҚИЗЛАР ХИРМОНИ

ШУ РАЙОНДАГИ А. Икромов номли колхоз пахтакорларига саккиз йилдан буён Чирчиқ шаҳридаги медицина техникуми студент-ёшлари пахта йиғим-теримида кўмаклашиб келишмоқда. Айни кунларда ҳам мазкур техникумнинг 648 кишилик бригадаси пешқадамлар сафида бориб меҳнат қилаяпти. Улар сўнгги беш кунликда 145 тонна пахта териб, ҳашарчилар ўртасида ўтказилаётган район мусобақасида ғолиб чиқишди. Майрам Мардонова, Шаманой Фармонова, Зебо Бердинова ва Наргиза Боймирзаевалар каби талабаларнинг бу ютуққа қўшган ҳиссаси салмоқли бўлди. Уларнинг ҳар бири кунига 100—120 килограммдан пахта теришмоқда.

ЭЛЛИК ЦЕНТНЕРГА ЕТАДИ

● **ОҚҚЎРҒОН.** «Коммунизм» колхозининг Ленин, Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Хабил Тўраҳўжаев бошлиқ бригадаси деҳқонлари 75 гектар қир зонадаги ердан 31 центнердан ҳосил олиб, планларнини барвақт бажардилар. Лекин ҳали ҳосилимиз мўл, дейди бригадир, биз эллик центнерлик марра учун курашмоқдамиз. Бу маррани, албатта, эгаллаймиз.

Механизаторлардан Абдулла Эргашев ҳозиргача 160 тонна пахта териб топширди. Бригаданинг чевар теримчилари Ҳавохон Масолимова, Муҳаббат Деҳқонбоева ўртоқлар кунига 120—140 килограммдан пахта термоқдалар.

УНУМЛИ МЕҲНАТИНГИЗ УЧУН, РАҲМАТ!



Пенсионер Раҳмат ота Оққулов Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз далаларида кунига 30—35 килограммдан пахта термоқда.

А. Икромов фотоси.



Бекобод районидаги Ҳамза номли 33-ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчиси Қурбонгул Раҳмонова ҳам А. Мавлонов номли совхоз далаларида ҳар куни 110—120 килограммдан «оқ олтин» йиғиштириб олмоқда.

М. Қорабеков фотоси.



Коммунистик районидаги «Правда» колхозида меҳнат қилаётган шу райондаги 98-колхозлараро механизациялашган кўчма колонна ишчиси Шарифа Шоилёзова ҳар куни хирмонга 120—130 килограммдан «оқ олтин» тўкмоқда.

А. Аҳатов фотоси.

ЎРТОҚ И. В. КАПИТОНОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов Ўзбекистонга келиб, 18 октябрь куни Андижон партия ташкилотининг партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май, ноябрь Пленумлари ва 1983 йил июнь Пленуми қарорларини, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг топшириқларини турмушга татбиқ этиш соҳасидаги иши билан таништди.

И. В. Капитонов Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозида бўлди. Ишчилар, механизаторлар билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида бу йил давлатга камида олти миллион тонна пахта сотиш юзасидан Ўзбекистон пахтакорлари қабул этган мажбуриятнинг бажарилиши жуда катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Хўжалик меҳнатчилари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда юқори кўрсаткичларга эришиб Ватанни қувонтиришга, Озиқ-овқат программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга интилаётганликларини айтиб бердилар. Об-ҳавонинг ноқулай келиши, сув тақчиллиги сабабли келиб чиққан қийинчиликларга қарамай мўл ҳосили етиштирилди, бу ҳосил давлат плани ва мажбуриятни оширнб бажариш, гектар бошига 40 центнер пахта бериш имкониятини яратади. Совхозда ҳозир ҳосил теримида техникадан, одам ресурсларидан самарали фойдаланиб, жами пахтани қисқа муддатларда ва ҳеч нобуд қилмай териб олиш учун ҳамма чоралар кўрилмоқда.

И. В. Капитонов совхоз ишчиларининг диққат-эътиборини пахтачиликни жадал ривожлантириш зарурлигига қаратди. Бу тармоқ Ўзбекистон бутун аграр-саноат комплексининг энг муҳим бўғини бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. «Оқ олтин» етиштиришни кўпайтириш, унинг юқори сифатли бўлишини таъминлаш—республика меҳнаткашларининг энг муҳим ватанпарварлик ва интернационал бурчидир.

Областда бўлган вақтида И. В. Капитонов Андижон ип газлама комбинатини, унинг Избоскандаги филиалини, Москва пахта тозалаш заводини бориб кўрди. Корхоналарнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари, раҳбарлари билан, партия ва совет активлари билан бўлган суҳбатда халқ истеъмол қиладиган юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисида партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми ўртага қўйган талабнинг жуда катта аҳамияти уқтириб ўтилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ҳар томонлама ошириш, энг яхши замонавий намуналар даражасидаги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун социалистик мусобақани авж олдирган мамлакат илғор саноат корхоналарининг КПСС Марказий Комитети маъқуллаган ташаббуси кенг миқёсда қўллаб-қувватланмоқда. Бу мусобақа ташаббускорларининг даъватига амалий иш билан жавоб бериш — Ўзбекистон саноат ходимларининг бурчидир.

Тўқимачилар ва пахта тозаловчилар ўзлари қилаётган ишлар ҳақида маълумот бериш билан бирга ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, унинг сифат кўрсаткичларини ва аввало пахтани қайта ишлаш ва асрашни яхшилаш учун мавжуд резерв ва имкониятлардан ғоят тўла-тўкис фойдаланишни ўзларининг энг муҳим бурчи деб ҳисоблаётганликларини билдирдилар. Республиканинг кичик шаҳарларида саноатни кенг ривожлантириш, уларда йирик корхоналарнинг филиалларини барпо этиш соҳасида бошланган йўл тўғрилигининг турмушнинг ўзи тасдиқлади. Бу йўл халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтирибгина қолмай, шу билан бирга муҳим социал вазифани ҳал этиш — ишчи кучи кўп бўлган районларда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконини ҳам беради. Эндиги ҳамма иш бу филиалларнинг тезроқ тажриба орттиришига, зарур асбоб-ускуналар билан таъминланишига, юксак ишлаб чиқариш маданияти коллективи сафига ўтишига боғлиқ.

Андижон бўйлаб қилинган сафарда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, СССР Енгил саноат министри Н. Н. Тарасов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин И. В. Капитонов билан бирга бўлдилар.

(ЎзТАГ).

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети давлатга пахта сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1983 йил октябрь ойи учинчи беш кунлиги якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлар республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Хоразм области;

Қорақалпоғистон АССР;

Хоразм областининг Хива райони;

Қорақалпоғистон АССРнинг Шуманай райони;

Қашқадарё областининг қўриқ Нишон райони;

Навоий областининг Қизилтепа райони;

Қорақалпоғистон АССР Шуманай районидаги Гагарин номли совхоз.

Қорақалпоғистон АССР Элликқалъа районидаги қўриқ «Москва» совхози;

Сурхондарё область «Ленин йўли» районидаги Ленин номли совхоз;

Фарғона область Фарғона районидаги Ленин номли колхоз;

(Давоми 3-бетда).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ЧИНОЗ РАЙОНИДАГИ КИРОВ НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ СОБИҚ БРИГАДИРИ, ИККИ МАРТА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТИ, ЛЕНИН МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ ТУРСУНОЙ ОҲУНОВАНИНГ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент область, Чиноз районидаги Киров номли колхознинг собиқ бригадири, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Ленин мукофоти лауреати Т. Охунованинг пахтачиликни ривожлантиришдаги улкан хизматларини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига комплекс механизацияни жорий этишга қўшган катта ҳиссасини қайд этиб, меҳнаткашларнинг истакларини инобатга олиб, унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент областининг Чиноз районидаги ўрта умумий таълим мактабларидан бирига, шу райондаги 166-қишлоқ ҳунар-техника билим юртига, Тошкент областининг Чиноз районидаги Эски Тошкент қишлоқ Советига Турсуной Охунованинг номини беришга, унинг қабрига бюстини ўрнатишга қарор қилдилар.

МУСОБАҚА ШАРТЛАРИНИ ТЎЛА БАЖАРАЙЛИК

Областимиз касаба союз органларида ҳисобот ва сайлов йиғилишлари қизғин давом этмоқда. Бу йиғилишларга анча олдин — июнь ойидаёқ тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган эди. Касаба союз органлари семинар-кенгашлар ташкил этдилар, ҳисобот-сайлов йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича инструкциялар тарқатдилар. Область касаба союзлари Совети эса янги сайланадиган касаба союз группалари ташкилотчилари, цех касаба союз комитетлари ва бошланғич касаба союз ташкилотлари раисларининг сифат составини пухта ўрганиб чиқди.

Касаба союз ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларининг ишчанлик ва жанговарлик руҳида ўтишини таъминлаш мақсадида область касаба союзлари Совети, область, шаҳар, район касаба союз комитетлари аъзолари ва аъзоликка кандидатлардан, касаба союз активлари ва касаба союз органлари ходимларидан 1500 дан ортиқ киши бу сиёсий кампанияга жалб этилди. Улар бевосита жойларда бўлиб, ҳисобот докладлари, қарор лойиҳаларини тайёрлашда, йиғилишларни уюшқоқлик билан ўтказишда касаба союз ташкилотлари раисларига амалий ёрдам кўрсатдилар.

Ўтган давр ичида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялар омма ўртасида олиб борилаётган ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларни такомиллаштиришда касаба союз органлари маълум ютуқларни қўлга киритганликларини кўрсатди. Улар омманинг сиёсий ва меҳнат активлигини оширишда турли форма ва усуллардан самарали фойдаланмоқдалар.

Йиғилиш ва конференцияларда қилинган ҳисобот докладларида ва сўзга чиққан касаба союз аъзоларининг нутқларида социалистик мусобақани янада ривожлантириш, меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг бригада формасини жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ва кенг истеъмол буюмлари сифатини яхшилаш, ўн биринчи беш йилликда зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг тўла бажарилишини таъминлаш ҳамда касаба союз группалари, цех ва бошланғич ташкилотлари иш форма ҳамда методларини такомиллаштиришга ёрдам берувчи кўпгина қимматли таклифлар ўртага ташланди. Айниқса, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи, Чирчиқдаги трансформатор заводи, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози, Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз касаба союз группалари ва цех ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари омманинг активлигини яна бир бор намойиш этди. Тошкентдаги пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган йиғилиш қатнашчилари москваликлар ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлаган ҳолда меҳнат унумдорлигини яна бир процентга оширишга қарор қилдилар. Бунга улар 26 та технологик ускунани барвақт ишга тушириш, пудрат усулида ишловчи яна 18 та бригада ташкил этиш йўли билан эришмоқчилар.

Унумли ишлаш ва мазмунли дам олиш учун зарур шароитлар яратиб берилаётганлиги учун ҳам бригада коллективи ой сайин қувончли ютуқларни қўлга киритиб келмоқда. Бу коллектив бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш юзасидан ажойиб ташаббус бошлаган эди. Бинокорлар ваъдаларига вафо қилиб шу йил 20 майда ўн биринчи беш йиллик плани бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Ҳозирги кунда улар 1986 йилнинг октябрь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози 3-участкаси касаба союз аъзоларининг бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ҳам янги мажбурият қабул қилинди. Участка коллективи бу йил ҳар гектар майдондан 45 центнердан «оқ олтин» ҳосили йиғиштириб олишга қарор қилди. Ҳозирги кунда терим ишлари қизғин давом этмоқда. Машиналар тўла қувват билан ишламоқда. Етиштирилган ҳосилнинг 80 проценти машиналар бункеридан тўкилади.

Бўлиб ўтаётган йиғилишларнинг кўпчилигида ҳисобот даврида бажарилган ишлар танқидий кўз билан таҳлил қилинмоқда. Тошкент тажриба-ремонт экскаватор заводи, Ғалаба районидаги Свердлов номли колхоз, Пискент районидаги «Партия XXVI съезди» совхози бригада ва участкаларида бўлиб ўтган йиғилишларда социалистик мусобақани янада такомиллаштириш, мусобақа шартларининг тўла бажарилишига эришиш, мусобақанинг ошкоралигини таъминлаш, техника хавфсизлигига риоя этиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида уқтирилди. Касаба союз комитетлари йиғилишларда билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазаларни умумлаштириб, уларни амалга ошириш чораларини кўрмоқдалар.

1 октябргача 24717 та касаба союз группаси, 4440 та цех, участка, бўлим, 4647 та корхона, ташкилот, ўқув юртида касаба союз ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Ҳисобот-сайловлар давомида кўпгина жойларда қўшимча касаба союз группалари тузилмоқда. Янги сайланган составлар йиғилиш қабул қилган қарорлар ижросини таъминлаш юзасидан қизғин иш олиб бормоқдалар.

М. РАҲИМОВ,
Тошкент область касаба союзлари Совети ташкилий бўлимининг инструктори.


КАСАБА СОЮЗ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-цехи бригадаларида ҳам касаба союз группаларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари ишчанлик руҳида ўтди. Бу йиғилишларнинг бирида ВЦСПС секретари Л. А. Земляникова иштирок этди. Йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан кўрилган тадбирлар катта самара берганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Улар бор имкониятларни ишга солиб 1983 йилда зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни белгиланганидан икки кун олдин, яъни 26 декабргача бажаришга, маҳсулотларнинг 60 процентини биринчи кўрсатишдаёқ тақдим этишга қарор қилдилар.

«Ўзбекшахтострой» трести бригадалари, участкалари ва бошқармаларида ҳам ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Ҳисобот-сайловлар давомида кўпгина жойларда касаба союз ташкилоти йиғилишида беш киши сўзга чиқди. Улар бинокорлараро мусобақани ташкил этишда, ишчиларнинг маиший турмушини яхшилашда, дам олишни уюштиришда касаба союз ташкилоти кўраётган тадбирларни алоҳида тилга олдилар.

● Республикамиз пойтахтининг Юнусобод массиви тобора обод ва кўркамлашиб бормоқда. Бу ерда кўплаб турар-жой бинолари, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатувчи бинолар қурилаяпти. Ҳар ойда юзлаб оилалар янги уйларга кўчиб киримоқдалар ва ҳовли тўйлари ўтказишяпти. Ушбу суратларда массивнинг Г-16 кварталида қурилаётган янги уй-жой бинолариии кўриб турибсиз.

В. Портнов фотолари.





ЧИҚИНДИДАН АЛИФ

ТОШКЕНТ автомобиль йўллари институти тармоқ бўёқлар илмий тадқиқот лабораториясининг мутахассислари Фарғонадаги «Азот» бирлашмаси чиқиндилари — триацетатцеллюлозадан фойдаланиш проблемасини ҳал этдилар.

Олимлар ана шу чиқиндилардан алиф ишлаб чиқаришда фойдаланишни таклиф этдилар. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, ҳозир чиқиндиларнинг мавжуд запаслари қурувчиларга ғоят зарур бўлган 30 минг тонна юқорн сифатли алиф тайёрлаш учун етарлидир. Айни вақтда триацетатцеллюлоза билан реакцияга киradиган ҳар қандай химиявий моддадан компонент сифатида фойдаланиш мумкин. Масалан, бу ердаги фуран бирикмалари заводида ишлаб чиқарилаётган фурфуролни олиш мумкин.

Лабораторня ходимлари технологияни ишлаб чиқиш давомида яна бир муҳим вазифани ҳал этдилар. Маълумки, одатда алифни ўсимлик мойини 260 градусгача қиздириш йўли билан олинади. Бу жараён қарийб 30 соат давом этади. Янги алиф эса одатдаги ҳароратда 3—4 соат давомида тайёрланади. Натижада тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган вақт, электр ва иссиқлик энергиясига бўлган талаб анча камаяди. Янги технологияда камёб ўсимлик мойига бўлган талаб камайиши айниқса муҳимдир. Янги алиф тез қуриши ва пишиқлиги билан одатдагисидан устун туради.

(ЎзТАГ).

КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯНИНГ КАТТА ХИЗМАТИ

Республикамиз пойтахтида бунёдкорлик ишлари ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бунинг асосий оғирлигини «Главташкентстрой» бош бошқармаси коллективи кўтармоқда. Бош бошқарма бинокорлари зиммасидаги масъулиятли ва шарафли вазифани уддалаш учун фан ва техника ютуқларини ҳамда илғор иш усулларини қурилишга жорий қилиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, унумдорликни ошириш, барча ички резервлардан фойдаланишга қаратилган кўплаб тадбирларни амалга оширишмоқда.

Қурилишдаги ички резервлардан бири — механизация воситаларидан унумли фойдаланишдир. «Главташкентстрой»да объектларни қурилиш механизмлари билан таъминлаш, улардан фойдаланиш вазифалари интисослаштирилган «Строймеханизация» трести коллективи зиммасига юкланган. Мазкур трест минорали кранлар, бульдозерлар, экскаваторлар ва бошқа шунга ўхшаш механизация воситаларини эксплуатация қилиш билан шуғулланади. Қўл меҳнатини камайтирувчи, иш суръатини оширувчи кичик механизация воситаларининг барвақт яроқсиз ҳолга келиши тез-тез содир бўларди. Бунинг устига зарур вақтларда объектларни керакли механизмлар билан тўлиқ таъминлаш имконн бўлмасди. Айрим бошқармаларда мутахассислар ва зарур эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги натижасида механизмларни ремонт қилиш муддатлари чўзилиб кетарди.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЕТИ — ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

Ана шу камчиликларни бартараф этиш мақсадида бош бошқармага қарашли барча қурилиш ва пардозлаш трестларида хўжалик ҳисобидаги кичик механизация участкалари тузилди. Шундай участкалардан бирннчи-си «Главташкентстрой»нинг энг йирик трестларидан бири бўлган пардозлаш трестида ташкил этилди.

Пардозлаш трести шаҳримизда қад кўтараётган турли биноларга сайқал бериш билан шуғулланади. Маълумки, пардозлаш ишларида ҳамон қўл меҳнатининг салмоғи қурилишнинг бошқа соҳаларига қараганда кўпроқ, шунинг учун ҳам мазкур трестда биринчилар қатори ана шундай участканинг ташкил этилиши табиий бир ҳолдир. Трестдаги олтита бошқарма ва қурилиш материаллари комбинатидаги мавжуд кичик механизация воситалари ана шу участкада тўпланди.

Кичик механизация участкасида ремонт хизмати, механика цехи, эксплуатация участкаси, планли ва жорий ремонт бўлими ташкил этилди. Қурилишни, хусусан, пардозлаш ишларининг такомиллашиб бориши ва мавжуд кичик механизация воситаларини ишлаб чиқариш етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги, механизмлардаги нуқсонларни бартараф этиш вазифалари участка коллективидан тинимсиз изланишда бўлишни талаб этди. Шунинг учун ҳам Москва, Киев, Олмаота шаҳарлари пардозлаш трестлари билан ҳамкорлик ўрнатилди. Участкада эса техника бўлими очилди ва бўлимга тажрибали инженерлар, слесарлар, токарлар жалб этилди.

Қурилишга жорий этилаётган янги кичик механизация воситаларини ўзлаштиришда «Главташкентстрой»га қарашли «Оргтехстрой» трестининг коллективи ҳам участкага яқиндан ёрдам бермоқда. Қурувчилар орасида мунтазам ўтказилиб турилади ган «Илғор тажриба мактаби» кўргазмалари, «Ўз касбининг устаси» конкурслари ва «Оргтехстрой» трести участкаларида ишлаб чиқарилаётган ускуналар шулар жумласидандир.

Кучларни бирлаштириш, кичик механизация воситаларини техник талаблар асосида эксплуатация қилиш ўз самарасини берди. 1982 йилда участка пландаги 760 минг ўрнига 765 минг сўмлик иш бажарди. 1983 йилнинг ярим йилида эса бу рақам 400 минг ўрнига 405 минг сўмни ташкил этди. Энг муҳими механизмлардан фойдаланиш коэффициенти 30 процентдан 80 процентга кўтарилди, хизмат қилиш муддати эса 1,5—2 баравар ошди. Участкада созланган ва ишга тайёр механизмлар ҳисобига объектларда бузилиб қолган механизмларни зудлик билан алмаштириш, бинокорларни кичик механизация воситалари билан оператив равишда таъминлаш имконн туғилди. Шу ишлар билан банд бўлган одамлар сони эса икки баравар қисқарди.

Ҳа, қурилишда кичик механизация воситаларининг қўлланиш доираси кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Шунинг учун бош бошқармаиинг барча қурилиш бўлинмаларида ҳам шундай кичик механизация участкалари коллективларининг бунёдкорлик ишларига қўшаётган ҳиссаси ортиб, меҳнат унумдорлигининг ошиши, қурилиш суръатларининг тезлашишига сезиларли даражада ёрдам бермоқда.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ,
«Главташкентстрой» инженери.

● **Тошкентдаги врачлар малакасини ошириш институтида рефлексли терапия мутахассисларининг биринчи қалдирғочлари ҳаётга йўлланма олдилар. Илм даргоҳининг невропотология кафедрасида турли ихтисосликдаги шифокорларни қадимги медицинанинг самарали усулларидан бири — игна билан даволашга ўргатиш учун курслар ташкил этилди. Нейрорефлекторли механизм бу усул билан муолажа қилишнинг асоси деб топилгани учун шу соҳани эгаллаган врачлар-рефлектотерапевтлар деган ном билан аталмоқда. Суратда: институтдаги машғулотлардан бирида рефлектотерапевтлар ўзаро суҳбатлашмоқда.**

Г. Пун фотоси.

(ЎзТАГ).



ГАЗ МАГИСТРАЛЛАРИ УЧУН

АНГРЕНДАГИ «Подземгаз» станциясининг механика цехида газни тозалаш ва магистрал линияларидан истеъмолчиларга юбориладиган тармоқларда унинг босимини пасайтириш учун мўлжалланган аппаратларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ангренлик машинасозлар уларнинг пухталиги ва узоқ вақт ишлатилишини гарантияламоқдалар. Шундай аппаратларнинг биринчи туркуми «Уренгой—Ужгород» газ магистралига жўнатилди.

(ЎзТАГ).

ХАТО ҲАМОН ТУЗАТИЛМАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» материаллари изидан

«СРЕДАЗКАБЕЛЬ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги бош корхонаси ишчиси Мақсуд Зоҳидов икки йилдан буён пенсиясини расмийлаштиролмай сарсон бўлиб юрибди. Қориштирувчи (смесильшик) касби одам соғлигига бирмунча зарарли бўлгани учун 12,5 йил бу касбда ишлаган эркак киши 55 ёшида пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга. Мақсуд Зоҳидов 1968 йилда 3 разрядли смесильшик малакасини олиб, шу касбда ишлай бошлаган. Бунгача стрейеровшик бўлиб -ишла ганида 18 кунлик меҳнат отпускасидан фойдаланарди, 1968 йилдан имтиёзли —27 кунлик отпускага чиқа бошлади, соғлиқ учун зарарли касбнинг бошқа имтиёзларидан ҳам (бепул сут-қатиқ) фойдаланаверди.

Беш йил шундай бўлди. 1973 йилда навбатдаги меҳнат отпускаси олдидан бошлиғи тўсатдан унга эътироз билдирди:

— Сиз ҳужжатда смесильшик эмас, стрейеровшик экансиз, сизга 27 кунлик отпуска бермайман.

Мақсуд ака шундагина ўзининг «кимлигини» билиб қолди.

1981 йилда, 55 ёшга тўлгач пенсияга чиқмоқчи бўлди, бироқ... 1968 йилда цех маъмурияти томонидан йўл қўйилган хатони тузатолмай сарсонгарчилик гирдобига тушиб қолди.

У ҳамон сарсон.

Хатони ҳеч қим тан олгиси ва тузатгиси келмаяпти.

Газетамизнинг шу йил 29 июнь сонидаги «Одамларга ишониш керак» сарлавҳали мақолада М. Зоҳидов воқеаси хусусида батафсил фикр юритилган, М. Зоҳидовга ёрдам бериш фақат ўша хатони тузатишга боғлиқлиги, бу иш фақат бирлашманинг ўзидаги талаби учун шикоятбоз деб ҳисоблашмоқда. Ахир, оддий бир меҳнаткаш, ветеран ишчи тақдирига шунчалик лоқайдлик бўлаями?! Бирлашма бош директори Х. Алимов, партия комитетининг секретари Ю. Хитров, касаба союз комитетининг раиси Т. Чурикова ўртоқлар имзоси билан олинган жавоб қуруқ ёзишма, расмиятчиликдан бошқа нарса эмас. Чунки унда мақола ҳақида бир оғиз гап йўқ. Ҳатто у тилга ҳам олинмаган. Илгари М. Зоҳидов шикояти бўйича бошқа ташкилотларга юборилган юзакигина жавобнинг айнан бир нусхаси холос. Биз худди шу ўринда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг ушбу кўрсатмаларини эслатиб қўймоқчимиз:

«...Бироқ, матбуотнинг амалий ишларидан кўра юмаётган, уларга расмият учун хўжакўрсинга жавоб қайтараётган кишиларга нисбатан бундан ҳам қаттиққўллик билан ёндошмоқ керак...»

Ҳолбуки, биз бу жавобни юқорида эслатилган мақола ёзилмасидан олдин ҳам билардик. Тўғри, пенсияга чиқиш учун гувоҳларнинг кўрсатмаси юридик ҳужжат бўла олмайди. Бироқ қачонлардир кимнингдир масъулиятсизлиги туфайли йўл қўйилган хатони тузатишга журъат қилинса ана шу зарур юридик ҳужжат пайдо бўлади ва бир ишчининг ҳожати чиқади, беҳуда сарсонгарчиликка барҳам бериладн. Биз худди шундай бўлишини кўзда тутгандик. Яна такрорлаймиз: нега энди гувоҳлик берган ўша собдил ишчилар, мастерлар, коммунистларга ишонмаслик керак? Наҳотки кекса ёшга етган бир ишчига ёрдам бериш шунчалик муаммо бўлса?

«Средазкабель» бирлашмаси республикамиздаги илғор йирик саноат корхоналаридан бири. Бирлашма маҳсулоти Иттифоқда машҳур. Бироқ бу нарса айрим ишчилар тақдирига, матбуот чиқишига бундай беписанд муносабатда бўлиш ҳуқуқини бермайди. Масала қайта кўрилиши, М. Зоҳидовнинг ҳуқуқи тикланиши, хато тузатилиши зарур.

БИР МАВЗУДА ИККИНЧИ МАРТА

ШАХСИЙ НАМУНА

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Завод цехларида ҳозир 10 депутатлик пости ташкил этилди. Машинасозлар куни арафасида депутатлар ўз активларининг сафини кенгайтиришга қарор қилдилар. 500 нафар халқ назоратчиси, ўртоқлик судларининг ҳамда хотин-қизлар Советининг аъзолари билан ҳамкорликда олиб бориладиган иш плани тасдиқлаб олинди. Унга биноан ҳозиргача ҳом ашё материалларининг сақланиши, иш ҳақи фондининг тежабтергаб сарфланиши, ишчи-хизматчилар меҳнат ва моддий шароитини яхшилаш юзасидан бир неча марта рейдлар ўтказилди.

Депутатлик группалари ва постлари ишчи-хизматчилардан тушган ҳар бир хат ва аризани, учрашувларда билдирилган фикр-мулоҳазаларни алоҳида ҳисобга олиб иш тутмоқдалар. Шулар асосида яқинда «Ташсельмаш» массивида яна иккита тўққиз қаватли турар-жой бинолари қуришга киришилди. Спорт залини қайтадан жиҳозлаш ниҳоясига етяпти. Заводдан турар-жой массивигача бўлган йўл қурилиши ремонти тезлашди. «Ташсельмаш»чилар учун клуб қуриш муаммоси эса яқин кунларда ҳал этилади. Буларнинг ҳаммаси ҳар бир депутатнинг кундалик диққат-эътиборида турибди.

Депутатлар таклифи ижроси билан қимматлидир. Шаҳар Советининг депутати В. Василенко навбатдаги сессиялардан бирида транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш лозимлигини таъкидлаган эди. Завод коллективининг манфаатлари нуқтаи назаридан 8, 48, 72 ва 111-автобусларнинг ҳаракат графиклари қайтадан кўриб чиқилди. Корхона раҳбарларининг таклиф ва илтимосига кўра 2-автопарк раҳбарлари қўшимча тўртта автобус ажратишди. Иккинчи сменадан чиққан ишчиларни уйларига элтиб қўйиш йўлга қўйилди.

Заводнинг механика-йиғув, асбобсозлик, қуйиш ва қалайлаш цехларида ҳам ўтган ойда меҳнат интизомини яхшилаш юзасидан рейдлар ўтказилди. Л. Колтунова, Л. Смирнова, Н. Ҳайдаров ва Э. Маматқуловлар бошлиқ депутатлик постлари аъзоларининг текшириш натижалари завод маъмурияти билан алоҳида муҳокама этилди. Ўртоқлик суди ва жамоатчи активлар иштирокида жиддий вазифалар белгилаб берилди. Мазкур депутатлик постлари куни кеча болалар боғчаларн ва умумий овқатланиш шохобчалари фаолиятини ва иш режимини янада қулайлаштириш масаласини ҳам кун тартибига қўйдилар.

Халқ вакилининг шахсий намунаси коллективда йирик ташаббусларнинг юзага келишига сабаб бўляпти. Депутатлар ўн биринчи беш йиллик учинчи йили планини машинасозларнинг касб байрами кунигача бажариш ташаббусини кўтариб чиққан эдилар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқишди. Илғорларга қўшилган кўплаб ишчилар ҳам ўз план топшириқларини ортиғи билан адо этдилар. Бу айниқса, қуйиш, механика, йиғув цехларида биринчи ярим йиллик планларини ҳамма кўрсаткичлар бўйича қўнгилдагидек якунланганлигида ҳам ўз ифодасини топган. Завод депутатларининг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигини муносиб нишонлаш шиори остидаги ташаббуси ҳам қизғин қўллаб-қувватланди. Шу кунгача ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришга аҳд қилган ишчи-хизматчиларнинг сафи ҳозир жуда кенгайиб кетди.

Айни кунларда завод депутатлари меҳнат ва жамоат ишларида янада активроқ иштирок этмоқдалар. Пахтакорлар учун масъулиятли синов дамларида терим машиналари ишлаб чиқаришни янада тезлаштириш, унинг тўхтовсиз ва бенуқсон ишлаб туришини таъминлаш учун ташаббускорлик ва интизомни янада кучайтириш кун тартибидаги асосий масалага айланган.

В. КЛЕМЕНТЬЕВ.

• ПАХТАЗОР ЖАСОРАТ МАЙДОНИ



● «Коммунизм» колхозн пахта тайёрлаш кунлик суръати бўйича Янгийўл райони хўжаликлари ўртасида карвонбошилик қилаётир. Бунда Мавжуда Азимова сингари кўмагидан машинада терилган (процент ҳисобида), тўртинчи устун — районлар.

В. Портнов фотоси.

ОБЛАСТЬ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН 1983 ЙИЛ 16 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — хўжаликлар, иккинчи устун — мавсум бошидан тайёрланган пахта, учинчи устун — шу жумладан машинада терилгани (процент ҳисобида), тўртинчи устун — районлар.

Колхозлар

«Коммунизм»	117,36	126,45	Бўка
Фрунзе номли	114,11	120,12	Бўка
«Октябрь 40 йиллиги»	110,32	117,69	Бўка
«Партия XIX съезди»	104,03	101,46	Бўка
«Политотдел»	102,94	103,17	Коммунистик
«Ленинизм»	97,98	97,11	Бўка
Охунбобоев номли	93,83	105,13	Ўрта Чирчиқ
«Ленинизм»	92,30	108,14	Оққўрғон
Ленин номли	91,10	70,09	Бекобод
Темирязев номли	89,07	93,56	Бўка
«Ленинобод»	87,63	77,45	Бўка
«Победа»	87,22	87,96	Ғалаба
Ильич номли	86,98	86,26	Бўка
К. Маркс номли	83,97	56,86	Чиноз
Жамбул номли	83,63	81,72	Бўка
Энгельс номли	81,88	74,82	Ғалаба
«Партия XX съезди»	81,76	62,53	Бўка
«Ленин йўли»	81,31	86,21	Ўрта Чирчиқ
А. Икромов номли	81,01	70,04	Ўрта Чирчиқ
«Ленинский путь»	80,94	80,65	Коммунистик
«Ленинград»	80,52	73,14	Ғалаба
Охунбобоев номли	80,04	55,35	Пискент
«Правда»	79,93	77,58	Коммунистик
Мичурин номли	79,77	75,07	Бўка
Ҳамза номли	78,89	78,72	Бўка
Куйбишев номли	77,50	80,79	Ўрта Чирчиқ
«Ленин йўли»	77,44	68,33	Бўка
Навоий номли	77,30	96,79	Оққўрғон
Терешкова номли	76,91	62,66	Ўрта Чирчиқ
«Коммунизм»	76,85	36,16	Янгийўл
«Партия XXII съезди»	76,70	62,98	Ўрта Чирчиқ
«Ўзбекистон»	76,22	69,96	Коммунистик
Свердлов номли	75,86	59,21	Ўрта Чирчиқ
«Коммунизм»	75,76	35,38	Оққўрғон
Свердлов номли	74,96	53,16	Пискент
Калинин номли	74,53	59,91	Пискент
Охунбобоев номли	73,10	65,59	Оққўрғон
Навоий номли	73,03	48,40	Чиноз
«Заря коммунизма»	72,97	78,25	Ғалаба
Энгельс номли	72,78	73,17	Ўрта Чирчиқ
Вотинцев номли	72,61	48,21	Оққўрғон
Ленин номли	70,51	72,04	Ўрта Чирчиқ
«Октябрь 40 йиллиги»	70,49	41,95	Чиноз
К. Маркс номли	70,03	69,56	Бўка
«Қизил Октябрь»	69,82	55,95	Чиноз
«Озод»	68,45	55,33	Оққўрғон
Ленин номли	67,83	50,90	Пискент
«Коммунизм»	67,39	61,83	Ўрта Чирчиқ
«Победа»	66,20	27,00	Бекобод
Навоий номли	65,80	25,07	Бекобод
Дзержинский номли	64,93	43,71	Бекобод
Свердлов номли	64,75	62,26	Коммунистик
«Ленинобод»	64,13	38,05	Оққўрғон
«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги»	64,12	42,99	Пискент
«Коммунизм»	63,95	35,39	Бекобод
Ҳ. Олимжон номли	63,89	59,20	Оққўрғон
Охунбобоев номли	63,36	46,50	Чиноз
Куйбишев номли	63,05	51,05	Оққўрғон
Ким Пен Хва номли	62,96	61,99	Ўрта Чирчиқ
Свердлов номли	61,99	60,81	Ғалаба
Энгельс номли	61,90	32,48	Чиноз
Киров номли	61,63	44,49	Ғалаба
Димитров номли	61,60	55,50	Ғалаба
«Ўзбекисткон ССР 30 йиллиги»	61,00	44,47	Чиноз
Ҳамза номли	60,68	56,74	Ғалаба
«Гулистон»	60,43	51,47	Пискент
К. Маркс номли	60,32	56,14	Коммунистик
«Интернационал»	59,89	53,54	Янгийўл
Ленин номли	59,56	62,47	Ғалаба
«Партия XXII съезди»	59,45	42,21	Оққўрғон
Ленин номли	58,54	13,00	Янгийўл
«СССР 60 йиллиги»	57,87	44,78	Янгийўл
«Москва»	57,81	36,22	Чиноз
К. Маркс номли	57,08	56,12	Ўрта Чирчиқ
Калинин номли	56,97	15,50	Янгийўл
Ниёзов номли	54,25	18,19	Янгийўл
«Партия XXI съезди»	54,17	12,30	Янгийўл
«Москва»	51,58	41,55	Ғалаба
Тельман номли	51,13	36,15	Пискент
Турсунқулов номли	49,89	6,80	Янгийўл
«Северний маяк»	49,69	40,13	Ўрта Чирчиқ
«Ленинизм»	47,92	20,38	Янгийўл
Киров номли	46,70	14,91	Чиноз

Совхозлар:

«САМИС»	84,60	82,75	Янгийўл
«Ленинград»	79,79	27,01	Бекобод
«Оққўрғон»	79,61	78,29	Оққўрғон
«Партия XXVI съезди»	77,63	64,61	Пискент
Мавлонов номли	74,98	60,52	Бекобод
«Пискент»	74,45	54,39	Пискент
Сегизбоев номли	74,12	69,36	Оққўрғон
«Бўка»	72,17	47,79	Бўка
«Дальварзин»	71,91	44,94	Бекобод
«Ўзбекистон ССР беш йиллиги»	68,32	53,24	Ғалаба
«Кўкорол»	67,27	58,14	Бўка
«Партия XXV съезди»	67,22	40,04	Бекобод
Колпакова номли	64,11	3,33	Бекобод
Бўка техникуми ўқув хўжалиги	63,33	39,29	Бўка
«Авангард»	61,33	33,03	Бекобод
Ойбек номли	61,08	51,26	Бекобод
Киров номли ўқув хўжалиги	59,55	42,80	Ғалаба
«ТИИИМСХ» ўқув хўжалиги	59,29	53,69	Ўрта Чирчиқ
«Коммунизм»	58,75	49,31	Ғалаба
«Партия XXIV съезди»	54,62	0,83	Чиноз

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

(Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи **Навоий область Қизилтепа районидагч «Партия XXII съезди» колхозида** қолдирилди.

* * *

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети пахта йиғим-теримини уюштириш юзасидан шаҳарлар, сабзавоткор районлар, ўқув муассасалари коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг октябрь ойи учинчи беш кунлиги якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Чирчиқ шаҳрига (шаҳар партия комитетининг секретари Юсупов, шаҳар ижроия комитетининг раиси Шарипов, шаҳар комсомол комитетининг секретари Акромов, пахта штабининг бошлиғи Бельнов ўртоқлар). Бу шаҳарда ҳашарчиларни пахта йиғим-теримига сафарбар этиш топшириғи анча яхши бажарилган ҳамда ҳар бир кишининг ўртача 30 килограммдан пахта териши таъминланган.

Байроқ Ангрен шаҳридан олиб берилади.

Паркент районига (район партия комитетининг секретари Алимов, район ижроия комитетининг раиси Икматов, район комсомол комитетининг секретари Эрматов, пахта штаби бошлиғи Шарафуддинов ўртоқлар). Бу районда ҳашарчиларни пахта йиғим-теримига сафарбар этиш топшириғи анча яхши бажарилган ҳамда ҳар бир кишининг ўртача 25 килограммдан пахта териши таъминланган.

Байроқ Бўстонлиқ районидан олиб берилади.

Тошкент шаҳар Фрунзе районига (район партия комитетининг секретари Хўжаева, район ижроия комитетининг раиси Бекмирзаев, район комсомол комитетининг секретари Одилов, пахта штаби бошлиғи Исмоилов ўртоқлар). Бу районда ҳашарчиларни пахта йиғим-теримига сафарбар этиш топшириғи анча яхши бажарилган ҳамда ҳар бир кишининг ўртача 27 килограммдан пахта териши таъминланган.

Ўрта Чирчиқ районидаги Абай номли 28-ўрта мактаб коллективига (директори Темирбоев, касаба союз комитетининг раиси Ермекбоев, комсомол ташкилотининг секретари Тўрақулова ўртоқлар). Бу мактабда ўқувчиларни пахта йиғим-теримига сафарбар этиш топшириғи анча яхши бажарилган ҳамда ҳар бир кишининг ўртача 25 килограммдан пахта териши таъминланган.

Байроқ Пискент районидаги Горький номли 25-ўрта мактабдан олиб берилади.

Оржоникидзе районидаги Куйбишев номли 36-ўрта мактаб коллективига (директори Жумақулов, партия ташкилотининг секретари Утепов, касаба союз комитетининг раиси Айтқулов, комсомол ташкилотининг секретари Каримов ўртоқлар). Бу мактабда ўқувчиларни пахта йиғим-теримига сафарбар этиш топшириғи анча яхши бажарилган ҳамда ҳар бир ўқувчининг ўртача 66 килограммдан пахта териши таъминланган.

Байроқ Оржоникидзе районидаги 39-ўрта мактабдан олиб берилади.

Ангрен шаҳридаги Ҳамза номли 27-ўрта мактаб коллективига (директори Умиров, партия ташкилотининг секретари Жўрабоев, касаба союз комитетининг раиси Нуров, комсомол ташкилотининг секретари Эрназаров ўртоқлар). Бу мактабда ўқувчиларни пахта йиғим-теримига сафарбар этиш топшириғи анча яхши бажарилган ҳамда ҳар бир ўқувчининг ўртача 81 килограммдан пахта териши таъминланган.

Байроқ Олмалиқ шаҳридаги Гайдар номли 13-ўрта мактабдан олиб берилади.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларда қолдирилди:

Оққўрғон районидаги 189-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти коллективида (директори Идрисхўжаев, партия ташкилотининг секретари Мусахонов, касаба союз комитетининг раиси Абдунабиев, комсомол ташкилотининг секретари Абдужабборов ўртоқлар). Бу билим юртида ўқувчиларни пахта йиғим-теримига сафарбар этиш топшириғи анча яхши бажарилган ҳамда ҳар бир ўқувчининг ўртача 59 килограммдан пахта териши таъминланган.

Ангрен шаҳридаги медицина билим юрти коллективида (директори Эгамбердиев, партия ташкилотининг секретари Краснокурская, касаба союз комитетининг раиси Цой, комсомол комитетининг секретари Халилова ўртоқлар). Бу билим юртида ўқувчиларни пахта йиғим-теримига сафарбар этиш топшириғи анча яхши бажарилган ҳамда ҳар бир ўқувчининг ўртача 69 килограммдан пахта териши таъминланган.

Область молия бўлимига илғор теримчиларни мукофотлаш учун Чирчиқ шаҳрига, Паркент районига, Тошкент шаҳрининг Фрунзе районига, Ўрта Чирчиқ районидаги Абай номли «28-ўрта мактабга, Оржоникидзе районидаги Куйбишев номли 36-ўрта мактабга, Ангрен шаҳридаги Ҳамза номли 27-ўрта мактабга, Оққўрғон районидаги 189-қишлоқ ҳунар-техника билим юртига, Ангрен шаҳридаги медицина билим юртига кўчма Қизил байроқлар билан бирга 500 сўмдан пул ажратиш топширилди.

САФАРБАРЛИК: СУРЪАТ ВА МАСЪУЛИЯТ

КЕЧҚУРУН соат ўн. Райком биносининг олди енгил машиналарга тўла. Навбатчи иккинчи қаватда, биринчи секретарь қабулида район ташкилотлари раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлаётганини айтди.

Пахта масаласи кўриляпти.

Пахта, пахта, пахта... «Оқ олтин»ни йиғиб-териш фронтида иштирок этаётган одамлар тушида ҳам пахтани кўриб чиқаётган бўлса ажабмас. Чунки, сутканинг тўртдан уч қисмини улар пахтага сафарбар этишяпти. Демак, пахтанинг эпкини тушга ҳам етиб бориши, давом этиши табиий...

Пахта далаларида ҳукм сураётган шиддаткор руҳ, меҳнат фронти борлиққа қоронғу тушганига уч-тўрт соат бўлганига қарамай район олдида чумолидай қатор-лашиб-уймалашиб турган машиналарда ҳам, районнинг юраги бўлмиш бу бинонинг биностино ҳамма дераза-ларидан тушиб турган чироқ шуъласида ҳам намоён.

Район юраги уйғоқ, одамлар уйғоқ.

Белор кечалар. Пахта пунктларида, йиғим-терим штабларида бедор тунлар.

Пахта йили сира енгил келмаган.

Бироқ бу йилгиси ўзгача — янада оғирроқ.

Буни биз, республикамизнинг ҳар бир граждани ҳаракатида, кундалик маълумотларда кўриб турибмиз. Пешқадам пойтахт областимиз терим авжига чиққан кунларда йиллик планнинг 6—7 процентини миқдорида пахта топширар эди, бу йил энг юқори кўрсаткич 4 процентга ҳам етмади.

— Нега?

— Саратондаги уч-тўрт кунда эллик даражага етган ҳарорат «ёши» ўртача ўн кунлик бўлган кўсакларни анча тўкиб юборди, — дейди район партия комитети кишлоқ хўжалиги бўлимининг мудири Раҳмат Соибов. — Ҳали ўзини тутиб олишга улгурмаган кўсаклар фавқулодда жазирамага дош беролмади. Бу, қирқ-эллик кунлик меҳнат ер билан яксон бўлди, деган гап. Бизнинг районимизда тошлоқ ер анчагина. Шундай пайкалларда масалан 100 литр ўрнига 400—500 литр сув бердик. Бироқ... гўзанинг тагидан сув аримайди-ю, у гавдасини тутиб ололмайди: шохлари сўлиб турибди...

Ҳа, ниҳоятда оғир мавсум.

«Ҳамма ишни машиналар қилади!». Бу қанотли ибора пахтачилик ҳаётимизга, турмушимизга чуқур сингиб кетган эди. Ҳосилнинг республика бўйича учдан икки қисмини, пойтахт областимизда 80—90 процентини «зангори кема»лар тераётган эди. Бу йил эса машиналар унумдорлиги кескин камайиб кетди.

— Юзлаб машиналаримиз ҳозирданоқ бекор турибди, — дейди ҳамсуҳбатимиз.

— Нега, пахта йўқми?

— Пахта бор! — Раҳмат Соибов ишонч билан шундай деди, — бу саволингиз пахтанинг нонини еяётган одамга оғир ботади. Пахта бор, етарли.

Ўттиз ёшлардан энли ўтган бу йигитнинг уйқусизликдан кўзлари қизарган бедорликни тан олмаган тетик чеҳрасини илғаяман тўсатдан. Кичиккина ҳонасининг қуйисидаги оқ ўринкўрпа турган каравотга беихтиёр кўзим тушади...

Пахта бор. Лекин ҳар йилгидек машина теримбоп — бир пайтда оппоқ бўлиб очилмади.

Ҳосил баббаравар очилмаган шароитда машина теримидан самара кутиб бўлмайди.

Демак, ҳамма куч қўл теримига!

Бундай чақириқ республикамиз партия ва ҳукматининг Мурожаатида ҳам сафарбар этувчи куч бўлиб янгради!..

Пискент райони пахтазорларида шу кунларда 28 минг киши меҳнат қиляпти. Кунига икки процентдан ошириб —870—880 тонна ҳосил топширилмоқда. Шундан 720—750 тоннаси қўл терими ҳисобига тўғри келяпти. Кўряпмизки, асосан — қўл терими! Далада ҳосил бор, борлиги учун ҳам 28 минг теримчи билан 2 процентдан ошириб пахта терилмоқда. Ҳолбуки, ўтган йилларда 60 минг теримчи билан бир процент ҳам пахта теролмаган кунлар бўлган, чунки унда ҳосил кам эди...

* * *

РАЙКОМДАН чиқиб пахтазор бағрига йўл олдик. Олмалиқ ҳашарчи-теримчиларнинг штаби йўлнинг ёқасидаги — пахтазор ўртасидаги бинога жойлашган экан.

Бу ерда ҳам ҳануз одамлар ишлашяпти. Вақт тунги ўн иккига яқинлашган. Одамлар уйғоқ, тун уйғоқ. Фақат бу ерда эмас, узоқ-узоқлардаги колхоз ва совхозларда ҳам навбатдаги бедор тун бошланаётгани штаб бошлиғининг столидаги телефон кетма-кет жиринглаб турганидан яққол сезилади. Олмалиқ шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари Н. Г. Носков дамба-дам трубкани кўтариб, хўжаликларда якунланган бугунги маълумотларни ёзиб олади. У гоҳ рус тилида, гоҳ ўзбек тилида гапиради. Унинг ҳозирги қиёфасига, айниқса, ёқимли талаффуз билан ўзбек тилида эркин сўзлашаётганига қарасангиз, нақ миришкор пахтакорнинг ўзи!

Шунда Мурожаатдаги сатрлар хаёлда такрор жонланади: «Биз ҳаммамиз пахтакормиз!».

— Ҳа, бугун ҳаммамиз пахтакормиз, — дейди Николай Григорьевич гўё фикримизни уқиб олгандек, — ҳозир шаҳримиздаги 22 та энг йирик корхона ва ташкилотларнинг биринчи раҳбари — директор ва бошлиқлари район пахтазорларида. Улар ишлаб чиқаришни ўринбосарларига ташлаб, ўзлари пахта билан шуғулланишяпти!

Райондаги жами 9 хўжалик — 7 колхоз ва 2 совхозда Олмалиқ шаҳрининг 102 корхона ва ташкилоти, ўқув муассасаларидан жами 13,5 минг киши меҳнат қиляпти. Улардан тўрт минги мактаблар ва техника билим юртларининг ўқувчилари, қолганлари ишчи ва хизматчилардир. Бевосита теримда 12 минг нафардан ортиқроқ киши иштирок этяпти, улар кунига хирмонга 240—250 тонна «оқ олтин» тўкмоқдалар. Ҳозиргача жами уч минг тоннадан зиёд-роқ хирмон уйдилар!.. Бу, райондаги жами йиғиштирилиб олинган ҳосилнинг 11—12 процентини ташкил этади. Айрим корхона ва ташкилотларнинг коллективлари ўзлари меҳнат қилаётган хўжаликнинг деярли «ярми юкини» кўтаришяпти. Масалан, В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг 2 минг кишилик ҳашарчилари «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозида ҳозиргача олинган жами ҳосилнинг 45 процентини териб бердилар. Бу, 800 тоннага яқин пахта демакдир. Ленин номли колхозда ишлаётган гилам фабрикаси, «Алмаликмрамор» бирлашмаси, «Каулди» кони ва бошқа ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари хўжаликда жами йиғиштирилган ҳосилнинг 30 процентини териб беришди.

Шаҳарлик ҳашарчилар ишининг намунали ташкил этилганлиги ҳовлидаги узун тахта-кўрсаткичда ўз ифодасини топган. Ўн метрга чўзилган бу кўрсаткичда ҳар куни янгиланаётган маълумотлар республика, область ва районнинг кундалик процентларидан бошланиб, Насриддин афандининг истеҳзоли жилмайиши остидаги қолоқ ташкилотларнинг қора бўёқда ёзилган «фамилиялари» билан тугайди.

Меҳнат фронтини теримчилар пахта штаби бошқариб боряпти. Штаб шаҳар раҳбарларидан тузилган. Бошлиқ — Н. Г. Носков, аъзолари — шаҳар комсомол ташкилотининг биринчи секретари В. Абдуҳолиқов, шаҳар халқ контроли комитетининг раиси Р. Шокиров, шаҳар ижрокоми раисининг ўринбосари Г. Гладько, жами — ўн киши. Уларнинг ҳар бири битта хўжаликка бириктилган: у ердаги ишга, аҳволга жавобгар. Ҳар куни кечқурун бу иш тўғрисида марказий штабга ахборот берилади.

Теримчилар ўртасида социалистик мусобақа шартларини ишлаб чиқилган. Меҳнат беллашувига ҳар беш кунда якун ясалмоқда. Ҳашар 1 октябрдан ёппасига бошланди. Ундан икки ҳафта олдин районга Олмалиқдан «десант» келиб тушди: улар ёрдамчиларга маданий-маиший шароитларни тайёрлаш ишларини бажардилар. Шунинг учун ҳам ҳозир шароитдан нолиётганлар йўқ.

Биринчи беш кунлик якунлари бўйича гўшт комбинатининг 50 кишилик ҳашарчилари биринчи ўринни олишди. Ғолибларга мусобақа шартига кўра шаҳар партия комитети, ижроия комитети ва комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди ҳамда битта «Жигули» автомашинаси ажратилди. Иккинчи ўринни олган ғишт заводи коллективига ва учинчи ўринни эгаллаган гилам фабрикаси коллективига палос. камёб мато, духоба каби мукофотлар топширилди.

Мактаблар ўртасида 19-мактаб биринчи ўринга сазовор бўлди.

Кейинги беш кунликларда кон-металлургия комбинатининг автотранспорт корхонаси, яна гилам фабрикаси ва гўшт комбинати ҳашарчилари совринли ўринларни эгаллашди. Уларда ҳар бир теримчи ҳисобига кунлик ўртача миқдор 65—70 килограммни ташкил этди.

Иккинчи беш кунликда 13-ўрта мактаб коллективи улкан ғалабани қўлга киритди — шаҳар ва область мактаблари ўртасидаги мусобақада ғолиб чиқиб, область партия комитети, ижроия комитети, касаба союзлари область Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди. Шунингдек, уларга шаҳар кўчма Қизил байроғи топширилди ва «Жигули» мукофотга ажратилди.

Беихтиёр кўрсаткич тахтасининг сўнгги «маълумотига» қараймиз. Қора бўёқда ёзилганлар орасида химия заводи, сут заводи, 50-ўрта ҳунар-техника билим юрти, шаҳар турар-жой бошқармасини кўриш мумкин. Ҳар бир теримчи ҳисобига 8—13 килограмм! Насриддин афанди тепасида кўрсаткич бармоғини уларга ниқтаб «Уят!» деяпти. Ростдан ҳам, уят!..

Шунингдек, Пискентга планда кўрсатилганидан бир ярим минг кам (5 минг ўрнига 3,5 минг) ҳашарчи юборган пойтахтнинг Октябрь райони, 700 киши кам (1700 ўрнига 1013) юборган Сергели районининг раҳбарлари ҳам ҳозирги терим шароитининг чуқур масъулиятини етарли ҳис этиб, тезда камчиликни тугатишлари зарур...

Далаларда ҳаёт қайнамоқда. Ҳар бир тонна, ҳар бир килограмм, ҳар бир грамм учун шиддатли кураш кетмоқда. Эрта тонгдан то тунгача. Айрим участкаларда бедор тунлар тонгга уланяпти. Кураш авжига миняпти. Миллий ифтихоримиз, ор-номусимиз, ризқ-рўзимиз учун — ПАХТА учун кураш!.. Бу курашда қатнашмоқ қанчалик қийин бўлмасин, у ҳар бир ўзбекистонлик учун фахрли ва шарафли!..

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

• ЖУРНАЛИСТ ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

● ҳаҳон янгиликлари

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

МЕХАНИЗАТОРЛАР-НИНГ БАЙРАМОЛДИ ВАХТАСИ

● **УЛАН-БАТОР. Халқ Монголиясининг асосий ғалла кони — Селенгин аймоғининг механизаторлари октябрь олди меҳнат вахтасида турдилар. Шу кунларда Монголияда ўтаётган анъанавий монгол-совет дўстлиги ойлиги кунларида авж олдириб юборилган социалистик мусобақа давомида далаларнинг меҳнатчилари ҳозиргача деярли 220 минг тонна дон йиғиштириб олдилар. «Баянхарат», «Номгон», «Ероо», «Найрамдал» давлат хўжаликлари ва бир қанча бошқа деҳқончилик хўжаликлари давлат план топшириқларини ҳозирдаёқ ошириб адо этдилар. Аймоқ ғаллакорлари ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олиб, Улуғ Октябрь кунигача омборларга планга қўшимча равишда 30 минг тонна дон тўкишга қарор қилдилар.**

ЕВРОПАДА ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ИНШООТ

● **СОФИЯ. Бургасдаги И. Бояжиев номли кемасозлик заводида кўп юк кўтарадиган кемаларни стапеллардан туширш учун мўлжалланган ноёб иншоот қурилиши якунловчи босқичга кирди. Бу иншоот БХР билан ГДР ўртасидаги илмий-техникавий интеграция самараси бўлиб, сермеҳнат ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш лозим. Қурувчилар ва монтажчилар Европада шундай типдаги энг замонавий иншоот бўлмиш ана шу объектни муддатдан илгари — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллигигача фойдаланишга топшириш мажбуриятини олдилар.**

ҒОЛИБЛАРГА СОВРИНЛАР

● **ПРАГА. Чехословакия пойтахтидаги энг яхши билим юртларининг намояндаларига эсдалик совринлари, кубоклар, фахрий ёрлиқлар тантанали вазиятда топширилди. Улар Прагадаги ҳунар-техника билим юртларининг анъанавий олимпиадасида ғолиб чиқдилар. Бундай олимпиадада ҳар йили йигит ва қизлардан 50 мингдан кўпроқ киши қатнашмоқда. Бу тадбир ишчи ёшлар ўртасида доимо зўр қизиқиш туғдирмоқда.**

РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

● **ХАНОЙ. Вьетнам — пойтахти чеккасида жойлашган «Иеншо» кооператив-ида республикада биринчи қишлоқ фан ва техника клуби очилди. Бу ерда деҳқонлар ватан ва чет эл агрономия фанининг сўнгги ютуқлари билан танишишлари, олимлар ва инженерлар билан учрашувларда қатнашишлари, илғор хўжаликларнинг тажрибасини ўрганишлари мумкин. Клубда янги илмий-оммабоп фильмларнинг кўриклари мунтазам равишда ўтказиладиган бўлади.**

(ТАСС).



● **ГДР. «Тинчлик ва социализм учун», «Бутун дунёда тинчлик бўлсин!» — ана шундай шиорлар билан Берлинда 150 минг кишилик намойиш бўлиб ўтди. Суратда: намойиш қатнашчилари республика пойтахти кўчаларида.**

АДН—ТАСС фотоси.

ВАШИНГТОНДА ЯНГИ ТАЙИНЛАШЛАР

ВАШИНГТОН, 17 октябрь. (ТАСС). АП агентлиги Оқ уй амалдорларига таяниб қуйидаги хабарни берди: президент Рейган АҚШнинг Яқин Шарқдаги махсус вакили Роберт Макфарлейнни президентнинг миллий хавфсизлик бўйича ёрдамчиси лавозимига тайинлашга қарор қилди. У шу лавозимга Уильям Кларк ўрнига тайинланиши керак. Кларк яқинда истеъфога чиққан Жеймс Уотт ўрнига ички ишлар министри қилиб тайинланди.

ТРИПОЛИ ШАҲРИДАГИ ВОҚЕАЛАР ХУСУСИДА

Ахборот агентликларининг хабарларига қараганда, «Ислом бирлиги ҳаракати» ташкилотига қирувчи Триполи шаҳридаги (Ливан) экстремист унсурлар яқинда Ливан Компартияси биносига ва партия аъзоларига қуролли ҳужум қилдилар, натижада кўп киши ҳалок бўлди.

Ҳамиша араб халқларининг туб манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб келган ва ҳозир ҳам қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган коммунистларга қилинган бу ҳужумни кузатувчилар Ливанда империализм ва реакция кирдикорларига қарши курашдан ливанликларни чалғитиш мақсадида ўзаро можарони қучайтираётган Америка—Исроил агентларининг кирдикорлари билан боғламоқдалар. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **БУДАПЕШТ**

Венгриянинг Пилишсентерест шаҳрида демократ юристлар халқаро уюшмаси ижроия бюросининг сессияси ниҳоясига етди. Сессия ишида 80 мамлакатдан ҳуқуқ соҳасидаги етакчи мутахассислар иштирок этдилар.

Демократ юристлар халқаро уюшмасининг бош секретари Амар Бентуми журналистлар билан суҳбатда қуйидагиларни таъкидлади: фаластинлик араб халқи ҳуқуқларининг одилона амалга оширилиши, Марказий Америкада ва Африка жанубида қуролли можароларнинг тўхтатилиши, озодлик ва мустақиллик учун курашаётган халқлар билан бирдамликни мустаҳкамлаш ана шу учрашув кун тартибининг асосий масалалари бўлди. Бу проблемалар Демократ юристлар халқаро ташкилотининг Афинада ўтказиладиган XII конгрессида кўриб чиқилади.

● **МАДРИД**

Меҳнаткашлар умумий иттифоқининг халқаро алоқалар билан шуғулланувчи секретари Мануэль Симон Овьедо шаҳрида нутқ сўзлаб, бундай деди: Испаниядаги энг катта демократик касаба союз бирлашмаси меҳнаткашлар умумий иттифоқи Испаниянинг НАТОга аъзо бўлишига қарши курашмоқда. Меҳнаткашлар умумий иттифоқи Америка ҳарбий базаларининг Испания территориясида жойлашганлигига қатъий норозилик билдиради.


● **САНО**

Яман Араб Республикасининг президенти А. А. Солиҳ революцион ғалабаларини мустаҳкамлаш учун ўз мамлакатига СССР берган ёрдамни юксак баҳолади. У «Ал-Мажалла» араб ҳафтномаси мухбири билан суҳбатда 1962 йилдаги антимонархистик революциядан кейин Совет Иттифоқи ёш республикага бераётган мадад ижобий роль ўйнаётганлигини кўрсатиб ўтди.

Бу муносабатлар ўрнатилган кунга яқин вақт ичида 55 йил тўлади, деб таъкидлади президент.

(ТАСС).

«ОЛТИН КУЗ» НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ



● Ўзбекистон боғларида етилган сарҳил мевалар.

А. Абалян фотоэтюди.

ВЕТЕРАНЛАРНИ ШАРАФЛАЙМИЗ

ДАВРА ТЎРИ СИЗНИКИ

В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият саройида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган ишлаб чиқариш илғорлари, Улуғ Ватан уруши инвалидлари, илғор ишчиларни шарафлаш кечаси бўлиб ўтди.

Кечада ветеранлар ўзларининг уруш йиллари, ҳозирги замонамиз, меҳнат, Ватан ҳақидаги қалбини тўлқинлантирувчи қўшиқларини ижро этдилар.

Шунингдек, «Парвоз» ҳалқ ашула ва рақс ансамбли, рус қўшиқлари хори, «Веснушка» болалар вокал-чолғу асбоблари ансамблари ҳам иштирок этдилар. Улар ижросидаги замонавий, миллий куй ва қўшиқлар ҳам барчага манзур бўлди.

●

КЕКСАЛАРГА АТАЛГАН

Тошкент тўқимачилар маданият саройида меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатининг 25 йиллиги муносабати билан шу мавзудаги бадиий фильмлар кўриги ҳафталигининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Оқшомга Тошкент тўқимачилик комбинатининг илғор тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. Казанцева, таниқли кинорежиссёр Равиль Ботиров, меҳнат ветерани В. Пидинова ва бошқа ишлаб чиқариш илғорлари таклиф қилинган эди.

Сўзга чиққан нотиқлар, ветеранлар, санъаткорлар бугунги кунда эркин меҳнат фақатгина инсонларнинг моддий эҳтиёжи бўлибгина қолмай, ҳаёт фаровонлигининг асоси эканлигини яна бир бор таъкидладилар.

Меҳнат қишисини шарафлаш мавзуидаги фильмлар кўриги областимизнинг Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ, Бекобод шаҳарларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

●

МАНЗУР БЎЛАДИ

Метрополитеннинг «Ҳамза» станциясидаги «Совғалар» магазини ёнидаги янги бино эътиборингизни ўзига тортади. Унинг пештоқига «Ветеран» деб ёзиб қўйилган.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва иштирокчиларига хизмат кўрсатиш учун ихтисослаштирилган бу савдо шохобчаси харидорлар билан гавжум бўлиб қолди.

Бу ерда уруш қатнашчиларининг талаб ва истакларига кўра кунига 10—11 минг сўмлик тайёр кийимлар, пойабзал, газлама ва бошқа саноат маҳсулотлари сотиляпти. Хушмуомала сотувчи йигит ва қизлар харидорларга маданий хизмат кўрсатишга ҳаракат қиляптилар.

— Бугунги бахтли турмушимизнинг сабабчилари бўлган азизларни ҳар қанча ҳурматласак кам,— дейди магазин директори, республикада хизмат кўрсатган савдо ходими Х. Тригулов,— шунинг учун ҳам Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг таклиф ва мулоҳазаларини ўрганадиган маҳсус бўлим ташкил қилдик. Тез кунда сотилаётган товарлар ассортиментини кенгайтиришни кўзда тутяпмиз.

А. НОСИРОВА.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

ҲУСАН ДОИРА ЧАЛГАНДА...

Ҳар фаслнинг ўз ҳислати бор,
Ҳар фаслнинг ўз фазилати.
Кумуш қишдан, зумрад баҳордан,
Қолишмайди кузнинг зийнати.

Ҳа, ҳар фаслнинг ўз ҳислати бўлгани каби ҳаётимиз ҳамроҳи бўлмиш куй, қўшиқ, рақс ва уларни куйловчи ҳар бир чолғу асбобининг ўзига хос ҳислати, фазилати ва ўз ўрни бор албатта. Бирорта чолғу асбоби етишмаса ансамбль ёки оркестрда, албатта унинг ўрни билинади. Хусусан, кўҳна доиранинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. У бино бўлибдики, хушхабар, яхшилик ва тантана дараксчиси сифатида санъат оламидан доимий ўрин олди.

Доира янграганда катта-катта базмлар, тўй-томошалар, шодиёна кечалар, халқ сайиллари, қувноқ концертлар кўз олдимизга келади. Доиранинг қадри бизга қадимдан маълум. Оналаримиз, опа-сингилларимиз фарзанд туғилганда чертишган уни. Азалдан тўй, висол дараксчиси қадрдон «ёр-ёр» ҳам доирамизга жуда ҳамоҳанг. Чечан янгалар халқ оғзаки ижодидан олинган шўх-шўх «келин саломи»ни худди шу доира билан куйлашганини тинглаганмисиз? Уста Олим Комилов каби санъаткорлар доира чалганда бутун Лондон олқишламадими уни? Тамарахоним, Мукаррамахоним, Галияхоним, Қундузхонни ва бошқа кўплаб раққосаларимизни илк бор санъат даргоҳига чорлаб келган ҳам мана шу доира! Ўзбек миллий санъатининг машҳур бўлишига озмунча ҳисса қўшдими у?!

Марҳум устод санъаткорларимизнинг шонли анъаналарини давом эттириб, доира чалишни мукаммал ўзлаштираётган, ана шу анъаналарни бойитаётган, янги-янги усуллар ижод қилаётган моҳир доирачиларимиз санъати эл-юртга машҳур. Театр ва концерт ташкилотларида машҳур бўлган малакали санъаткорлар —доирачиларимиз халқ талантлари орасидан етишиб чиқишди. Бадиий ҳаваскорлик коллективлари сафида хушовоз хонанда, моҳир созандалар орасида ажойиб доирачи ёшлар етишиб чиқмоқда. Ана шулардан бири Ҳусан Носировдир.

Ҳусан биринчи бор қўлига доира ушлаганда олти ёшли бола эди. Отаси ундаги санъатга бўлган ихлосни кўргач доира олиб берди. Ҳусан доирани қўлидан қўймас, телевизорда, радиода қандай мафтункор куй чалинса, дарров жўр бўлиб чалар, ўзича машқ қиларди.

Болаликда нималар бўлмайди дейсиз, Ҳусан ўрта мактабнинг тўртинчи синфида ўқир, ўқитувчи иштиёқ билан дарс тушунтирар, синф сув қуйгандай жим-жит эди. У орқарок партада ўтирарди. Ҳаёли доирага кетди чоғи, партани гумбурлатиб чала бошлади. Бармоқлар худди сеҳрлангандек парта устида енгил ҳаракат қилар, партадан чиқаётган товуш эса қайсидир, куй оҳангини эслатарди. Ўқитувчининг анча жаҳли чиқди, сўнг ўзини босди, уни тартибга чақирди:

— Ҳусан, бу нима қилганинг яхши эмас, дарс пайтида-я...

Орадан сал кун ўтгач яна ўша ҳол такрорланди. Бу гал ўқитувчи Ҳусанни дарсдан чиқариб юборди. Лекин ўзи қаттиқ афсусланди. Чунки болада ҳавас, иштиёқни пайқаганди у. Ҳусаннинг кетидан уйига борди. Йўлакдан кириб бориши билан доиранинг гумбур-гумбурини эшитди. Отаси билан суҳбатлашди.

— Узр, Мансур ака, мен ўғлингиздан шикоят қилмоқчи эмасман, уни бирон музика билим юртига берсангиз қалай бўларкин, деган ният билан келган эдим.

— Узим ҳам шу ҳақда ўйлаб юрибман. Шундай қилсак балки яхши бўлар. Овқат емаса емайди, болалар билан ўйнамаса ўйнамайди-ки, шу доирасини қўлидан қўймайди-да.

...Мансур ака Ҳусанни республика Маориф министрлигига қарашли музика мактаб-интернатига етаклаб борди. Ҳусан 1972 йили мактабни муваффақиятли тугаллаб, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг музика ва ашула факультетига йўл олди. Бу ерда ўқиш билан бир қаторда у самолётсозлар Маданият саройи ҳузуридаги «Парвоз» ашула ва рақс халқ ансамблига қатнашди. Факультетда ўрганган сабоқларини тўғаракда пухталади. Шу йиллар давомида у «Марҳабо талантлар» телевизион конкурсининг ғолиби, «Зеҳн» телеконкурсининг лауреати бўлди. 1975—1977 йилларда Марказий телевидениенинг «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» кўрсатувида ўз санъатини намойиш қилди. 1977 йили меҳнаткашларнинг Бутуниттифоқ ҳаваскорлик ижодий фестивали лауреати бўлишга муяссар бўлди. 1977—78 йилларда Ҳусан комсомол йўлланмаси билан Саяно-Шушенское ГЭСи ва БАМ бунёдкорлари ҳузурида ўз санъатини намойиш қилди. Ҳамма ерда у ўзининг жўшқин, жарангдор куйлари, саҳналаштирган рақслари билан барчани мафтун этди.

1978 йили «Парвоз» ансамбли қошида Ҳусан Носировнинг ташаббуси билан ўқувчи ёшлардан иборат доирачилар тўгараги ташкил топди. Ҳозир тўгарак аъзолари сони 40 дан ошиб кетди. Ҳусан «Парвоз»да концертмейстерлик қилиш билан бир қаторда ана шу тўгаракка ҳам раҳбарлик қилиб келмоқда. Ҳозир Ҳусан Носировнинг шогирдлари талайгина.

Унинг шогирдларидан бири Улуғбек ўз устози ҳақида тўлқинланиб шундай дейди:— Ҳусан акам ёш бўлса ҳам жуда билимдон, санъаткор. Мен у кишидан доира чалиш санъатининг жуда кўп қирраларини ўргандим. Ҳусан Носиров балетмейстер Мухтор Ҳамдамов билан саҳналаштирган «Катта ўйин», «Шодлик», «Раққоса», «Пилла», «Зирак», «Бухороча рақс» каби рақслар куйини илк бор менга ўргатганлар, ўз устимда тинмай ишлаш, изланиш сабоғини ҳам Ҳусан акамдан олганман.


Ҳусан Носировнинг ижоди яна ҳам кенгайиб, ранг-баранг бўлиб бормоқда. Қардош халқларнинг жозибали оҳанглари, доирада яна ҳам таъсирчан ва дилрабо янграйди. Унинг беш доирада беш халқнинг куйини маҳорат билан ижро эта олиши, тинмай ижодий изланиши, катта истиқболдан далолатдир. У ҳар бир доирада маълум бир халқ куйини ижро этади. Усуллар ранг-баранг, лекин улар ўртасида алоҳида бир уйғунлик мавжуд. Бунинг учун у кўп машқ қилди. Усулларни ўзлаштириш эса осон эмас.

Унга бу ишда устози Абдулҳамид Мирҳамидов жуда катта ёрдам берди.

Ёш санъаткор Ҳусан Носировнинг ижрочилик маҳорати муносиб баҳоланди. Унга ВЦСПСнинг «Ҳаваскорлик санъатидаги ютуқлари учун» нишони берилди.

Ҳусан Носировнинг ижодий йўли энди барқ уриб яшнайдиган паллага кирди. У келгусида етук малакали санъаткор, ўз устозларининг давомчиси бўлишига ишончимиз комил.

М. ШАРИПОВА.



ХАР ТЎГРИДА

ПЛАСТМАССАДАН КУЗОВ

Пластикадан тайёрланган автомобиль кузовлари нима учун кенг ёйилмади? Унинг сабабларидан бири шундаки, бундай кузовлар жуда оҳиста у-бу нарсага тегиб кетса ва тўқнашса синади, ёрилади. Янги «препрег» материалининг хусусияти эса тамомила бошқача. Синовлар шуни кўрсатадики, бу материалдан ясалган кузов соатига 4 километр тезликда бориб қаттиқ тўсиқларга урилса ҳам ҳеч қандай шикастланмайди. Шунинг учун ҳам чехословакиялик мутахассислар «Шкода» енгил автомашиналарининг айрим моделлари кузовини ясашда «препрег» пластмассасидан фойдаланишга қарор қилдилар.

ШУНҒУВЧИ ТАНКЕР

Денгизларда юк ташиш харажатларини камайтириш, уни оби-ҳаво инжиқликларидан халос этиш мақсади олимлар ва мутахассисларнинг сувости транспорт кемалари яратиш ғоясига тезтез қайтишига сабаб бўляпти. Бу кемалар корпусини ниҳоятда сиртлувчи шаклда ясаш билан сувнинг қаршилигини жуда минимум даражагача озайтириш мумкин. Бунинг устига яқинда ўтказилган синовлар кўрсатганидек, ҳатто кемани двигателсиз ҳам ҳаракатлантирувчи қилиш мумкин.

Бундай ғаройиб сув ости кемаси авторлари кемани балиқларга маълум чуқурликда ҳаракатсиз туриш имконини берадиган сузиш пуфакчалари билан таъминлашни таклиф этдилар. Балиқлар пуфакчаларни қисиб пастга тушишлари, ҳавони тўлдириб юқори кўтарилишлари мумкин. Сув ости кемасининг сиртлувчи цилиндрь шаклидаги «сузиш пуфакчалари» ўз ҳажмини ўзгартириб туриши керак.

Шундай цилиндр ёрдами билан кемани шўнғишга ва кўтарилишга мажбур қилиш мумкин. Кема нима ҳисобига олдинга қараб ҳаракат қилади. Махсус қанотлар шунга хизмат этади.

Кема юкни бортига қабул қилиб сузишга тайёрланганда автоматлар поршенни цилиндр ичига суради. Бунда «сузиш пуфакчалари»нинг ҳажми кескин тораяди. Натижада кема қанотлари ёрдамида қийшиқ траектория бўйлаб чўка бошлайди. Маълум чуқурликда автоматлар цилиндр ичига тез кенгайтирган кам миқдордаги газни пуркайди. «Сузувчи пуфакчалар» ҳажми кенгайиб кема юзага чиқа бошлайди. Шу цикл яна такрорланади. Кема шундай шўнғиб ва юзага кўтарилиб, белгиланган манзил томон сузиб бораверади.

Шундай кема моделини синаб кўриш муваффақиятли ўтди.

(«Социалистическая индустрия»дан).

СПОРТ

ХАЛҚОБОДДА СПОРТ БАЙРАМИ

Шу кунларда Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли агросаноат бирлашмасининг марказий қўрғони байрамона безатилган. Айниқса, бирлашма спорт комплекси гўзаллашиб кетди. Қирмизи байроқлар, меҳнатни, физкультура ва спортни шарафловчи транспарантлар узоқ-узоқлардан кўзга ташланиб турипти.

Эртага бу ерда Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг анъанавий учинчи республика спартакиадаси финал қисмининг тантанали очилиш маросими бўлади. Халқободга республикамизнинг турли областларидан мингдан ортиқ спортчи йиғилди. Улар спортнинг тўққиз тури — футбол, волейбол, қўл тўпи, миллий ва эркин кураш, стол тенниси, ГТО қўпкураши, шахмат-шашка бўйича ўзаро куч синашадилар.

— Спартакиада мусобақаларида пойтахт областимиз шарафини бирлашмамизнинг йигит-қизлари ҳимоя қилишади,— дейди У. Юсупов номли агросаноат бирлашмаси директорининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосари Тўхтавой Аминов.— Улар меҳнатдаги каби спортда ҳам юксак натижаларни қўлга киритишга шай бўлиб турибдилар.

Кеча спартакиада программасидаги дастлабки мусобақалар бўлиб ўтди.

Р. ШЕРАЛИЕВ.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника Давлат комитети

СССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ «ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ 176-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

электрокар ҳайдовчиси малакаси бўлган автослесарь, (билим юртини битирганидан сўнг ҳайдаш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилади).

ЎҚИШ МУДДАТИ — 3 ЙИЛ. Ана шу ихтисосликка ўқиётганлар ётоқхона билан таъминланмайди; электрик, электр-газ пайвандчиси, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарь-механик, ОТК контролёри, дурадгорлик. Ўқиш муддати — 3 йил; универсал фрезерчи, механикайиғув ишлари слесари, электр кўприк кранларининг машинисти. Ўқиш муддати—1 йил ва 3 йил; силлиқловчи, механика-йиғув ишлари бўйича слесарлик малакаси бўлган силовчи-трактор ҳайдовчи, ўқиш тугагандан сўнг ҳайдаш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилади, электр пайвандчи. Ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртини тугаллаганлар тўлиқ ўрта маълумот тўғрисида диплом оладилар ва ҳунар эгаллайдилар, шунингдек, олий ўқув юртларига кириша имтиёзлардан фойдаланадилар.

Барча қабул қилинганлар уч маҳал овқат, кийим-бош, коржома билан таъминланадилар, эҳтиёжи бўлганларга секция типидаги ётоқхонадан жой берилади. Ўқиш жараёнида ишлаб чиқариш практикаси вақтида ишлаб топилган пулнинг бир қисми тўланади.

Билим юртининг жиҳозланган ўқув кабинетлари, устахоналари, стадиони, спорт зали, сув ҳавзаси ва ётоқхонаси бор. Эстрада, духовой ва миллий чолғу асбоблари ансамбллари мавжуд.

Билим юрти ҳузурида ДОСААФ спорт-техника мактабининг (картинг ва мотоспорт) филиали ишлаб турибди. Ёзги каникул вақтида дам олиш учун Чорвоқ сув омбори районида соғломлаштириш-спорт лагери мавжуд.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти тўғрисида гувоҳнома; таржиман ҳолат, яшаш жойидан, ота-оналаридан бирининг иш жойидан справкалар, медицина справкаси (286-форма), 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида), характеристика.

АРИЗАЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Адрес: 700077, Тошкент шаҳри, «Ташавтомаш-1» массиви (1, 1 «э», 16, 24-автобусларнинг Трактор заводи бекати; 6, 13, 22-трамвайларнинг «ТТЗ-4 массиви» бекати).

ЮТУҚЛИ ОМОНАТ — ОМОНАТ КАССАЛАРИГА

САМАРҚАНД ШАҲРИДА 5 ОКТЯБРДА УТКАЗИЛГАН 82-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ўзбекистон ССРнинг ҳамма омонат кассаларида сақланаётган ютуқли омонатларнинг қуйидаги счёт номерларига ютуқлар чиқди.

Счёт номерлари	Ютуқ миқдори (ўртача омонат суммасига процент ҳисобида)
А-3	25
А-69	25
А-80	25
А-132	50
А-161	25
А-203	25
А-269	25
А-280	25
А-352	25
А-399	25
А-439	25
А-465	25
А-489	25
А-548	25
А-575	100
А-623	25
А-648	25
А-690	50
А-755	25
А-762	100
А-800	25
А-857	200
А-914	25
А-929	25
А-985	25

Омонат кассаларидаги счёт номерлари 1000 дан ортиқ бўлса, сўнгги мингларда ҳам биринчи мингликда чиққан счёт номерларига ютуқ чиққан. Масалан, А-3, А-1003, А-2003, А-69, А-1069, А-2069, А-132, А-1132, А-2132 ва ҳоказо.

Тираж комиссиясининг раиси — Р. Х. ХУСАИНОВА.

Тираж комиссиясининг масъул секретари — М. Х. ЯЛДОШЕВА.

«УЗБЕКГИДРОЭНЕРГОСТРОЙ» трестининг

ЎҚУВ КОМБИНАТИ ЯНГИ-АНГРЕН ГРЭС

қурилишида ишлаш учун сувоқчи-бўёқчилар, ғишт терувчи-монтажчилар, дурадгор-бетончилар, электр-газ пайвандловчилар тайёрлайдиган КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ — 3—4 ОЙ. Ойига 75 сўм стипендия тўланади.

Етоқхонадан жой берилади. Машғулотлар группаларнинг комплектланишига кўра бошланади.

Ушбу адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Комсомол 40 йиллиги кўчаси, 39 «А» уй. Телефон 66-09-02;

Янги-Ангрен ГРЭСи ўқув пункти адреси: Оҳангарон райони, Нуробод посёлкаси.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

20, 21 октябрь, соат 18.30 да «А» класси биринчи лигасининг «ВИНОКОР» (Тошкент) — «ТОРПЕДО» (Уст Каменогорск) командалари ўртасида

ХОККЕЙ

Билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Қуйидаги телефонлар бўйича справкалар олиш мумкин: Касса — 46-03-12, 46-70-31; администратор — 46-07-53, 46-68-77.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/X да **Парвона**, 20/X да **Баланд қоядаги аёллар**, 21/X да **Рўё**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/X да **Тўйдан олдин томоша**, 20/X да **Тошкентнинг нозанин маликаси**, 21/X да **Олифта**.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Концерт. 10.15 — «Олдинда — океан». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.25 — «Саёҳатчилар клуби». 12.25 — Концерт. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Фортепьянода концерт. 17.00 — Г. Уэллс. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 18.00— «Шахмат мактаби». 18.30 — Концерт. 19.10 — «Дунё воқеалари». 19.25 — «Спорт ҳафталиги». 19.45 — Концерт. 20.05 — «Октябрь. Кинолавҳа». 20.15 — «Қасамёд». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 — «Время». 22.00 — Футбол. УЕФА кубоги. 22.45 — «Дунё воқеалари». 23.45 — «Агар соғлом бўлай десанг».

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 — Астрономия. 10.05 ва 13.50 — Немис тили. 11.05—«Очилган қўрик». 11.35 ва 12.40 — Умумий биология. 12.05 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 13.10 — О. Бердгольц поэзияси. 14.20 — «Сенинг ленинча кутубхонанг». 14.50 — «Одамларга зарур бўлиш керак». 1-фильм. 15.40 — П. Мэриме. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «Онамларнинг мактаби». 19.20—Ф. Лист. «Венгерча рапсодия». 19.30 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Ҳужжатли фильм. 21.05 — «Камалак». 21.30 — «Время». 22.00 —«Фош этиш». Бадиий фильм. 23.25 — Эстрада концерти.

УзТВ-I. 11.30 — «Солдатча». 12.10 — «Сўз кетидан сўз келар». 12.30 — Рус адабиёти. 13.00 — «Дастлабки тергов». Бадиий фильм. 2-серия. 18.05 — «Ҳақиқий дўстлар». 18.30 — «Пионерлар мамлакатида». 18.55 — «Илмий-техника тараққиёти — халқ хўжалигига». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Амалдаги интернационализм». 20.05 — «Ноз-неъмат бунёдкори». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30— «Время». 22.00 — «Оқ олтин» имтиҳони. 22.15 — «Йўл чеккаси». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 9.00—16.30 — МТ-II. 18.10 — Химия. 19.10 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Адабиёт. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Пахтакорлар хизматида». 20.50 — Эстетика асослари. 21.30 — МТ-II.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда: совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 02231. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б. 1698.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11